

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Бердиалиев, М.Зокиров	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси	88
Ш.Турдиматова	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида	92
М.Эргашев	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида	98
Х.Исмоилов	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир	101

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала	105
М.Аҳмедов, Х.Далиев, М.Онарқулов	
(ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили	109
М.Ҳакимов, М.Маматқулов	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш	112
М.Холиков	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари	114
Ф.Адилов	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида)	116
Т.Тургунбаев	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмга таъсири	119
Э.Тажимирзаев	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида)	123
Р.Аҳмедова	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
В.Ишқуватов	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги	129
К.Пулатов	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида)	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари	135
Б.Жўраева	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари	137
М.Назирқулова	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш	140
М.Саидқабарова	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари	144
М.Деҳқонова	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни	147
Ф.Анварова	
Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов	
Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти	154
Ф.Эркабаева	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари	156
А.Хасанов	
Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш	159

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
--	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	166
--------------------	-----

**СУД НУТҚИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИГА ДОИР
К СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКОМУ АНАЛИЗУ СУДЕБНОЙ РЕЧИ
ON THE SOCIO-LINGUISTIC ANALYSIS OF FORENSIC SPEECH**

Х.Исмоилов

Аннотация

Мақолада суд жараёни иштирокчилари нутқининг социолингвистик таҳлиliga оид фикрлар баён этилган.

Аннотация

В статье изложены размышления о социолингвистическом анализе речи участников судебного процесса.

Annotation

The article is devoted to the socio-linguistic analyses of the speech of the participants in the legal process.

Таянч сўз ва иборалар: социолингвистика, социолингвистик таҳлил, нутқининг социолингвистик хусусиятлари ва хосланиши, суд лингвистикаси, суд мажлисида нутқининг хосланиши, социал лексика, социал нутқ, раислик қилувчи (судья)нинг (музокара) нутқи, давлат айбловчиси (прокурор)нинг айблов нутқи, ҳимоячи (адвокат)нинг нутқи.

Ключевые слова и выражения: социолингвистика, социолингвистический анализ, социолингвистические особенности речи и характеристика речи, судебная лингвистика, характеристика речи на судебном заседании, социальная лексика, социальная речь, речь председательствующего (судьи), обвинительная речь государственного обвинителя (прокурора), речь защитника (адвоката).

Keywords and expressions: socio-linguistics, socio-linguistics analysis, judicial analysis, socio-linguistic features of the speech, changing of the speech in the judicial proceedings, social vocabulary, social speech, judge's speech, prosecutor's speech, lawyer's speech.

Тил ва тафаккур, тил ва жамият, тил ва маданият муносабатлари бугун тилшунослик илмида психолингвистика, социолингвистика, прагматингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик каби йўналишлар ҳамда уларнинг узвий боғлиқлик асосидаги муносабати негизда юзага келган муаммолар тадқиқи билан машғул бўлмоқда. Систем тилшуносликдан фарқли ҳолда, янгича нигоҳ, янгича изоҳотлар дебочасига айланиб улгурган лингвистик тадқиқотлар учун нутқий фаолиятнинг энг муҳим объект сифатида қўйилиши тилшунослик фанининг тараққиёти ўлароқ, долзарб илмий муаммо ва қарашларнинг юзага келишига туртки бўлмоқда. Шу маънода, тилшуносликда лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишини социолингвистик йўналишда тадқиқ қилиш, нутқининг социал мақом билан боғлиқ ҳолатларини ўрганиш, ўзбек тилшунослигида социолингвистик тадқиқотларни амалга ошириш имкониятини яратди. Профессор Н.Маҳмудов таъбири билан айтганда, тил ва жамият ўртасидаги беҳад мустаҳкам алоқадорликни бутун кўлами билан англаш, тилшунослик ва социологиянинг кесишадиган кўплаб нуқталарини идрок этиш натижасида дунё тилшунослигида

социолингвистика йўналиши, тўғрироғи, фани юзага келди. [6,13].

Социолингвистика соҳасининг дунё тилшунослигидаги ривожига назар солсак, бир қатор тадқиқотлар амалга оширилгани ва бу изланишлар тилнинг жамият билан боғлиқ хусусиятларини очиб берганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Ю.Дешериев, А.Д.Швейцер, Л.Б.Никольский, В.Д. Бондалетов, Р.Т.Белл, Л.П.Крисин, И.Х.Мусин, В.И.Беликов, С.В.Криленколар томонидан олиб борилган тадқиқотларда тил ва жамият, тил сиёсати каби масалаларга эътибор қаратилган. Тадқиқотларнинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда социолингвистларнинг диққати жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳларнинг нутқиغا қаратилганини кузатишимиз мумкин. Бу йўналишда, хусусан, Ю.К.Волошин, Н.К.Шуликин, Т.А.Ивушкина, А.Г.Костецкая, Д.В.Крюков, Ю.О.Квартовкина, Э.А.Левина, П.В.Ермакова, Н.Н.Копитина, В.С.Анохина, А.В.Овчинниковаларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади.

Шу аснода, ўзбек тилшунослигида ҳам дунё тилшунослигининг янги илмий парадигмалари асосида тадқиқотлар олиб

Х.Исмоилов – АнДУ таянч докторанти.

бориш, тилимизнинг қўлланиш ва тадқиқот қўламини кенгайтириш, уни ҳар жиҳатдан ривожлантиришга киришилди. Бу жараёни бугун лингвистик тадқиқотларда нутқий ҳодисаларнинг тил (нутқ) эгаси билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Кейинги йилларда социолингвистик соҳа намояндаларини муайян социум вакилларининг тил бирликларидан амалий фойдаланиш хусусиятлари қизиқтирмакда.

“Тил ва жамият” муаммосида лингвистик ёки социологик масалаларга урғу берилишига қараб, айрим олимлар уни социолингвистик ёки лингвосоциологик аспектларга киритиш зарурлигини қайд этганлар. Социолингвистик ёндашувда белги ва белгилар комплекслари, уларнинг диасистемадаги ўрни кабилар, лингвосоциологик ёндашувда эса социологик категориялар (социал гуруҳ, индивиднинг социал мавқеи) кабилар таянч нуқталар ҳисобланади [14,5]. Шунга асосланиб, олимлар социолингвистика ва тил социологиясининг мавжудлигини таъкидлайдилар. Маълумки,

социолингвистикатермини тилшуносликда биринчи марта 1952 йилда америкалик тадқиқотчи Х.Карри томонидан қўлланган. [2,10] 1920-30 йилларда рус тилшунослари бу фанни икки хил номлаш асосида ўрганиб келдилар. Социальная лингвистика, социолингвистика каби атамалар ўша давр руҳияти билан боғлиқ тарзда вужудга келган эди. Кейинчалик, аниқроғи 50-йилларга келиб, социолингвистика термини билан номланган фан устуворлашди. Зеро, тилнинг ҳаёт билан, жамият билан чамбарчас боғлиқлиги аслида тил ва социум муносабати асосида эканлиги, шунингдек, миллий анъана ва миллий қадриятларнинг юзага келиши социолингвистика тушунчаси моҳиятига мосдир [10,4]. Бу эса унинг фан сифатида тилнинг умуминсоний ҳамда сиёсий хусусиятларини, шунингдек, тил ва жамият, тил ва мафкура, тил ва тафаккур, тил ва халқ, тил ва ёш, тил ва жинс, тил ва маданият муносабатини, шунингдек, тилнинг фалсафий хусусиятлари кабиларни ўрганиши билан боғлиқдир.

Социолингвистика тил ҳодисаларининг жамият билан боғлиқ ҳолатларини лисоний бирликларнинг ёш, жинс, мавқе каби социал омилларга кўра фарқланишини тадқиқ қилади. Тилнинг ҳаёт, жамият билан чамбарчас боғлиқлиги аслида тил ва социум муносабати асосида миллий тил, миллий анъана ва миллий қадриятлар муаммоси

ҳам маълум даражада социолингвистика тушунчаси моҳиятига мосдир [14,6].

Профессор Ҳ. Неъматов ўзининг “Социолингвистика” номли китобида социолингвистиканинг социал тилшуносликдан кескин фарқларидан бири нутқ шароити, яъни, нутқ жараёнига алоҳида диққат-эътибор қаратишида эканлини таъкидлайди. Социолингвистика нутқ билан шуғулланади ва шунинг учун нутқ шароити бу йуналиш учун ҳал қилувчи омиллардан биридир” [12,46]. Шу аснода тил структуралари билан социал структуралар ўртасидаги доимий мутаносибликлар, лисоний шакллар билан социал вазифа ва роллар орасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлашни асосий мақсад қилиб олган социолингвистика ривожланиб бормоқда” [6,13].

Ўзбек тилшунослигида тил ва жамият муносабати масалаларига Н.Маҳмудов, М.Миртожиевлар эътибор қаратганлар [7]. Нутқнинг социолингвистик жиҳатлари очиб берилган бир қатор тадқиқотлар сифатида эса Ш.Искандарова, С.Мўминов, М.Сулаймонов, Қ.Расулов, М.Қурбонова, Л.Рауповаларнинг қимматли тадқиқотларини келтиришимиз мумкин [4].

Социолингвистика макросоциолингвистика ва микросоциолингвистика каби йуналишга эга бўлиб, макросоциолингвистика тил ва жамият муносабати масаласидаги йирик қўламдаги жараёнларни тадқиқ этса, микросоциолингвистика жамиятдаги турли табақалар нутқини ўрганувчи соҳа ҳисобланади [1,177]. Бугунги кунга келиб, микросоциолингвистиканинг ўрганиш объекти ҳисобланган жамиятдаги ижтимоий гуруҳларга алоқадор лисоний жараёнлар ва уларнинг нутқий хосланишлари, тилни “тил соҳиби” билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилишга эътибор кучайди. Бугунги кунда тил бирликларининг нутқий воқеланишинисоциал табақа ва тоифалар буйича хосланишини тадқиқ этиш кучаймоқда [14, 8].

Юқорида санаб ўтилган қимматли тадқиқотлар ва манбаларга таянган ҳолда жонли (оғзаки) нутқ ҳамда ёзма нутқ шаклларининг жамиятдаги турли нутқ кўринишлари қаторида ўзига хос нутқий вазият (шароит)га, қонуний талаблар асосидаги яхлит ва хосланган жиҳатларига эга бўлган суд лингвистикасини социолингвистик таҳлилга тортишни мақсад қилдик. Шу маънода, суд процесси иштирокчилари ва улар нутқининг социолингвистик хусусиятларини, жумладан, нутқнинг ижтимоий мавқе, ёш, жинсга кўра хосланишларини очиб бериш назарий ва

ТИЛШУНОСЛИК

амалий жиҳатдан ҳал қилиниши муҳим бўлган масалалардан бири деб ҳисоблаймиз. Социолингвистик ёндашув асосида суд лингвистикасида жонли (суд мажлисида) нутқни тадқиқ қилиш, ёзма нутқ шакллари (асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги қонуни, хусусан, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, суд ҳужжатлари ва баённомалари)ни ўрганиш, тил бирликларининг социал хосланишини лисон-нутқ тамойили асосида текшириш, шунингдек, суд мажлисида нутқнинг хосланишини социал омиллар таъсирида, нутқ шароити ва нутқ вазияти нуқтаи назаридан илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек тилшунослигида суд нутқи лексикаси систем тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган, [9] бироқ суд лингвистикасининг социолингвистик таҳлили ҳозирга қадар махсус ўрганилмаганлиги фикримизни асослайди. Суд жараёни ўзига хос бир мунозара майдони бўлиб, унда умуминсоний ахлоқ меъёрларига мос равишда давлат ва жамият, айти пайтда, айбланувчи ва жабрланувчи манфаати ҳимоя қилинади, адолат ва ҳақиқат тушунчаларининг ҳукмрон бўлиши талаб этилади. Бу жараёндаги барча воситалар, шу жумладан, нутқ ҳам ана шу адолат ва ҳақиқатнинг тантанасига қаратилгандир [13,144].

Жамиятда турли ижтимоий мавқе, лавозимлар эгалари нутқи ҳам тил бирликларининг ўзига хос тарзда хусусийлашувидир. Социолингвистика тил бирликларининг жамиятдаги турли табақалар нутқида қай ҳолатда намоён бўлиши, буни таъминловчи ички ва ташқи омилларнинг ўрни ва вазифаларини текширади, ўзгаларга нутқи асосида баҳо бериш, муносабатда бўлиш, ўзганинг фикрини тўғри англаш, ўз фикрини нутқ шароитига ва суҳбатдошга мақбул вариантда тақдим этиш, кўникма ҳамда малакасини шакллантириш амалиёти механизмларини ишлаб чиқиш учун муайян назарий асосларни яратишга хизмат қилади [14,10]. Бу хусусийлашув эса суд мажлиси иштирокчиларининг нутқида ёрқин ва ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Социолингвистиканинг мақсад ва вазифалари сирасида нутқий бирликларнинг социал омиллар таъсирида хосланганлиги масаласи асосий ўринни эгаллайди. Айнан нутқни социолингвистик жиҳатдан таҳлил қилишда эса турли хил социал мавқедаги шахсларнинг ўзига хос нутқи объект қилиб олинади. Тадқиқотчи Х. Йўлдашева ўз изланишларида тил бирликларида социал

хосланишнинг икки кўринишини фарқлайди: 1. Номлашнинг социал хосланганлиги; 2. Қўлланишнинг социал хосланганлиги. [14,14] Шу маънода социал лексика ва социал нутқни фарқлаш имкони пайдо бўлади. Социал лексика социумни аташ-номлаш ва унинг хусусиятларини ифодалаш учун хизмат қилса, социал нутқ уларнинг нутқий характеристикасини кўрсатиш учун хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан Жиноят-процессуал кодексининг 431-моддасига мурожаат қиламиз. “Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, кимлар давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси эканлиги, кимлар жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва кимлар уларнинг вакиллари эканлиги, кимлар суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон эканлигини маълум қилади...” [15,295]. Ушбу моддада санаб ўтилган суд таркиби: раислик қилувчи (судья), давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси ва уларнинг вакиллари, суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон) ни ифодаловчи сўзлар социум атамалари бўлса, суд мажлисидаги бевосита иштирокчимизда кузатилган раислик қилувчи (судья)нинг нутқида: “айбдор, деб топилсин”, “жазо чораси қўллансин”, озодликдан маҳрум этилсин”, “айбсиз, деб топилсин”, “суд залидан озод этилсин”; прокурор (давлат айбловчиси)нинг нутқида: “жазо тайинлашингизни сўрайман”, “қайта малакалаш лозим”; ҳимоячи (адвокат)нинг нутқида: “Ҳурматли судья ва халқ маслаҳатчилари!”, “айблари йўқ, деб ҳисоблайман”, “оқлов ҳукми чиқариб суд залидан озод қилишингизни сўрайман”; судланувчи(лар) нутқида: “мени кечиринглар”, “қилган ишимдан пушаймонман”, “отамнинг юзига қандай қарайман”, “қайта такрорламайман”, “бир марта имкон беринглар”, “суддан кечирини сўрайман”, “қайтарилмайди”, “оилавий аҳволим ёмон”, “озодликдан маҳрум этишдан бошқа жазо тури тайинлашингизни сўрайман” каби ифодаларнинг қўлланилишини эса социал хосланган нутқ сифатида баҳолашимиз мумкин.

“Ҳар қандай шахс ўзининг бажариб турган ижтимоий имкониятларига мувофиқ равишда меъерий сўзлаш мажбуриятига эга бўлади. Бу нутқ эса сўзловчи бажараётган ижтимоий вазифа хусусида маълумот беради. Буни нутқнинг социал хосланиши, деб юритиш ҳам мумкин бўлади.” [3,83] Шунга кўра, суд мажлисида раислик қилувчи (судья)нинг

(музокара) нутқи, давлат айбловчиси (прокурор)нинг айблов нутқи, ҳимоячи (адвокат) нутқи, юқорида айтилган мъёрларга мос ва хос кўринишда намоён бўлади. Раислик қилувчи (судья)нинг ҳар бир сўзи қатъий оҳангда, ҳукм ва ҳал қилувчи қарорлар, ажрим ва маълумотномалар асосида қилинган нутқида юридик тилнинг барча қонун-қоидаларига риоя қилиниши талаб этилади. Қонун ва давлат ҳимоячиси бўлган давлат айбловчиси (прокурор) нутқининг ўзига хос хусусиятлари сифатида судланувчининг ҳақиқатан ҳам айбдор эканини мавжуд ашёвий далиллар билан исботлашга қаратилганлиги билан характерлаш ва ўзининг мазмуни, тил бирликларининг танланиши, жиддийлиги, расмийлиги, эҳтирослардан ҳолилиги билан алоҳида ажралиб туради. “Чунки прокурор ўз вазифаси нуқтаи назаридан содир этилган жиноят ёки ҳуқуқбузарликни амалдаги қонунга асосланиб баҳолайди. Баъзида прокурор нутқи «давлат қораловчиси нутқи», «айбловчи нутқи», деб ҳам юритилади» [11,105-113]. Суд жараёнидаги энг муҳим нутқлардан бири адвокатнинг ҳимоя нутқи ҳисобланади. Боиси, бу нутқ суд жараёнида тақдири суд ҳукмига боғлиқ бўлиб турган, қандай жиноятни содир этганлиги ёки қонунни бузганлигидан қатъий назар, судланаётган кишини инсонпарварлик тамойилларига кўра ҳимоя қилади [13,146].

Адвокатнинг ҳимоя нутқи – бу, унинг жиноят иши бўйича судда қилган чиқишларининг юқори чўққисидир [8,9]. Бундан ташқари, нутқнинг социал хосланганлик унсурларини суд мажлисининг котиби, гувоҳлар, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимонлар нутқида кузатиш мумкин.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ҳар бир социумнинг ўзига хос нутқи мавжуд бўлиб, у турли социал омиллар таъсирида амалга ошади. Ҳар бир роль бажарувчидан бу ролга хос вазифалар талаб қилгани каби, ҳар бир социум ва унинг вакилидан шу тилга хос нутқий хусусият кутилади. Бугунги кунда тилда шахс омили масалаларини ўрганишга интилишлар бежиз эмас. Бу саъй-ҳаракатлар, умуман олганда, илмий билимларнинг гуманистик характер касб этиши, фаннинг “инсонийлашуви” умумий тенденцияси кучаяётганлиги билан ҳам белгиланади [5,19]. Тилшуносликда янгипарадигмаларни ўрганишга жиддий аҳамият берилаётган бир жараёндасоциоллингвистик ёндашувда жонли нутқни тадқиқ қилиш, хусусан, суд лингвистикасининг оғзаки ва ёзма нутқ кўринишларини ўрганиш, суд мажлиси иштирокчилари нутқининг социал хосланишини “лисон-нутқ” тамойили асосида текшириш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Беликов В.И., Қрысин Л.П. Социоллингвистика. – М., 2001.
2. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987.
3. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол.фан. д-ри... дисс. – Т., 2001.
4. Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фан.номз. ... дисс.Автореф. – Самарқанд, 1993; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан. д-ри... дисс. – Т., 2000; Сулаймонов М. Ўзбек тилидаги дастхатларнинг социоллингвистик хусусиятлари: филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 2009; Расулов Қ. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 2008; Курбонова М. Ўзбек болалар лексикасининг социоллингвистик тадқиқи: филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 2009; Раупова Л. Диологик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Филол.фан. д-ри... дисс. – Т., 2012.
5. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987.
6. Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва бошқа фанлар//Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 2007. - №1.
7. Маҳмудов Н., Миртожиев М. Тил ва маданият. – Т.: Ўзбекистон, 1992; Маҳмудов Н. Тил. – Т.: Ёзувчи, 1997.
8. М.С.Строгович. Защитительные речи советских адвокатов. – М.: МГКА, 1956.
9. Мўйдинов Қ. “Ўзбек тили суд нутқи лексикаси”. Филол. фан. б. фалсафа док. ... дисс. . – Т. 2019.
10. Нормуродов Р. Социоллингвистика. – Термиз. 2008.
11. Назаров К., Усмонов С., Тоҳиров Қ. Юристининг нутқ маданияти. – Т., 2003.
12. Неъматов Ҳ. Жўраева Б. Социоллингвистика. -Бухоро. 2004.
13. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. Юристининг нутқ маданияти. – Т., 2004.
14. Йўлдашева Х. Ўзбек тарихий романларининг социоллингвистик тадқиқи. Филол.фан.б.фалсафа док. ... (PhD) дисс.. – Т. 2017.
15. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Т.: “Адолат”. 2018. 231-модда..
16. Ўзбекистон адвокатларининг ҳимоя нутқлари. – Т.: Адолат, 2006.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).